



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2020
1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фналар
туркуми**

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ғ.И. БОТИРОВ – ф-м.ф.н.

Тахрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Ҳ. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Рўзиев Р.Ж. – с.ф.д., проф.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Маматов А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Джумабаева Ж.Ш. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2020

**МУНДАРИЖА
ТАРИХ**

- Айтмуратов Ж.** Қорақалпоқ бахшичилик санъатида халк мусиқаларининг келиб чиқиш манбалари.....
Ahrorova M. XVII-XVIII asrlar xonliklar davri siyosiy hayoti o'zbek mumtoz shoiralari talqinida.....
Bodirov A. Samarqandliklarning fashistlar bosqinidan ozod qilingan hududlarga insonparvarlik yordami.....
Мамажонов Д. Ўзбекистон кинематографиясидаги зиддиятли тенденциялар (1985-1991 йиллар).....
Маттиев Ў. XIX аср ўрталарида Афғонистон ва Ўрта Осиё ҳудудида инглиз-рус ракобатининг ўзига хос жиҳатлари.....
Мирзаев Ф. Марказий Осиёда минтақавий ҳавфсизликни таъминлашнинг шарт-шароитлари: имконият ва муаммолар.....
Хақназаров Х. Ўзбекистонда ҳарбийлар ҳаётини ўрганишнинг илмий услубий таҳлили.....
Xushvaqtov N. Samarqandda ta'lim tizimi tarixinining taraqqiyot boshqichlari.....
Одилов Б. Анъанавий дехқончилик ҳўжалигини тарихий-этнографик адабиётларда ёритилиши (Фарғона водийси маълумотлари таҳлили асосида).....
Қобулов Э. Сурхон воҳаси меъморчилигининг ўзига хос жиҳатлари.....

ФАЛСАФА. ПЕДАГОГИКА. МЕТОДИКА. СОЦИОЛОГИЯ

- Абдуллаева Р.** Проблемы обучения русскому языку как языку специальности в медицинских образовательных учреждениях республики Узбекистан.....
Авазов А. Худудий қайта ишлаш саноати корхоналарида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....
Агабаев Ш. Ёшлар сиёсий маданияти ва фаоллиги – жамиятда толерантликни мустаҳкамловчи мухим омил
Жалолова П. Кредит-модул тизимида “физика” фани машгулотларини акт асосида ташкил қилиш методикаси.....
Ирматов Ф. Ноғизик мутахассислик йўналишлари талабаларига физика фанини замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари.....
Maxarov T. O'quv jarayonini tashkil etishda kredit-modul tizimi.....
Muradova F. Comparison and analysis of existing virtual laboratories.....
Примов М. Юксак экологик маданиятни шакллантиришда фаол фуқаролик позициясининг долзарб масалалари.....
Саматова Д. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси мазмунидаги ўкув максадлари татбиқи.....
Сапаров Б. Миллий ўзликининг демократик принципларнинг аҳамияти.....
Suypanova N., Jumayeva Sh. The way of designing effective communicative activities for English for specific purposes of classes.....
Тошибекова М. Диний бағрикенглигларни шакллантиришнинг мағнани.....
Узаков И. Педагогик тафаккурни шакллантиришнинг моҳияти.....
Умарова З. Костюм дизайнини таълимини модернизациялашнинг актуал тамоиллари.....
Сайджанова У., Шахмуррова Г. Решение заданий и задач по биологии – как один из методов развития логического мышления у студентов.....
Хайдаров Р. Навоий тасаввуфий-фалсафий дунёкараши манбаларининг таҳлили.....

ФИЛОЛОГИЯ

- Абжалова М., Исқандаров О.** Матнларни морфологик таҳлил қилиш модули ва унинг алгоритми.....
Ахмедова М. Арго, жаргон ва сленг сўзларининг функциялари.....
Воситов В. Тилшуносликда такрор лингвистик тадқиқотлар обьекти сифатида.....
Закирова Г. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масаласи бугунги кундаги оммавий ахборот воситалари талкинида.....
Ибрагимова Г. Инглиз ва ўзбек тилларида парантезанинг структурал-семантик турлари масаласи хусусида Iminova X. M. M. Prishvinni ijodida falsafiy-estetik g'oyalarning talqin etilishi.....
Каримова С. Шифохона адабий макон сифатида.....
Қодирова Х., Абдуллаева Ч. Дисфемик бирликларнинг шаклий структурасига кўра таснифи.....
Курбонова Н. Алиғери Дантенинг “Илоҳий комедия” асарида диний-мифологик образлар.....
Носирова З. Я.Кавабатанинг “Она тилида ибодат” хикоясида она тилининг аҳамияти ва бадий эстетик функцияси.....
Пардаев Қ. Мукимий шеъриятининг матн тарихи.....
Рузманова Р. Изучение жизни и творчества Алишера Навои в Турции.....
Самандарова С. Миллий телевидениеда трэвел журналистика намойиши таҳлили.....
Сиддикова И. Роль контекстуально-речевых синонимов в языке прозы.....
Sultanov T. Navoiy va Sodiqiy: ilk turkiy tazkiralarning qiyosiy tahlili.....
Уралов А. Айрим морфем ҳодисалар таҳлили.....
Xalilova L. Interactive methods in English classes.....
Юлдашева Н. Инглиз ва ўзбек тилларида кўшма сўзларнинг тавсифидаги ўхшашлик ва фарқлар.....
Яхшиева З. «Улуг салтанат» тетралогиясида психологик тасвирнинг поэтик талқини.....



Нодира ҚУРБОНОВА,
Бухоро Давлат университети катта ўқитувчisi
E-mail: mexrishka82@mail.ru

RELIGIOUS AND MYTHOLOGICAL IMAGES IN ALIGERI DANTE'S "DIVINE COMEDY"

Abstract

The following article is devoted to the religious-mythological images in "Divine comedy" by Dante. The results of the investigations show that religious-mythological images of the given work are mostly connected with the images of ancient Greek myths and Christianity. The myth, mythology, and mythological views, with different views on the images at different times, the scientific approach formed mainly during the Renaissance. Comparative analysis, Discourse analysis are the main research methods.

Key words: mythology, myth, hell, purgatory, mythological outlook, religious mythological images.

РЕЛИГИОЗНО-МИФОЛОГИЧЕСКИЕ ОБРАЗЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЕ Д.АЛИГЬЕРИ "БОЖЕСТВЕННАЯ КОМЕДИЯ"

Аннотация

В данной статье рассматривается вопрос о религиозно-мифологических образах произведения А.Данте "Божественная комедия". Исследования показали, что религиозно – мифологические образы произведения в основном связаны с античной греческой мифологией и христианской религией. Миф, мифология и мифологические взгляды, с разными взглядами на образы в разное время, научный подход сформировался в основном в эпоху Возрождения, а их изучение путем сравнительного анализа, дискурсивного анализа является основной целью статьи.

Ключевые слова: мифология, миф, ад, чистилище, мифологический кругозор, религиозно-мифологический образ.

АЛИГЬЕРИ ДАНТЕНИНГ "ИЛОХИЙ КОМЕДИЯ" АСАРИДА ДИНИЙ-МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР

Аннотация

Ушбу маколада муаллиф А.Дантенинг Илохий комедия асаридаги бир қатор диний-мифологик образлар хусусида тұхталиб ўтган. "Илохий комедия" даги диний-мифологик образлар, асосан қадимий юон мифлари ва христиан дини билан боғлік экани ўрганилди ва бир қатор мисолларда күрсатыб ўтилди. Миф, мифология ва мифологик қарашлар, образларга түрлі даврларда түрлича қарашлар мавжуд бўлган, илмий ёндашув асосан Уйғониш даврида шаклланган ва уларни қиёсий таҳлил, дискурс таҳлил методлари орқали ўрганиш маколанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Калит сўзлар: Мифология, миф, дўзах, аъроф, мифологик дунёкараш, диний –мифологик образ.

Кириш. Мифология – грекча сўз бўлиб, *mýthos* – ривоят ва *lógos* – сўз, хикоя сўзларидан олинган бўлиб, ибтидоий одамларнинг олам ва унинг тузилишига оид тасаввурлари ифода этилган оғзаки адабиёт намуналрига оид тушунчадир. Ибтидоий одам ўзи ва ўзи яшаб турган олам ҳакида жуда оз билимларга эга бўлган, у табиатни ҳам тирик организм деб англаган, одамлар ҳаётига оид билим ва тасаввурларини табиатга ҳам тадбик этган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Манбаларга кўра, 18-асрда итальян олимни Ж.Вико мифологияга тарихий ёндашувни тадбик килган. Француз маърифатпарварлари (Вольтер, Дидро, Монтескье ва ҳ.к.) унга жаҳолат ва бидъат, алдамчи тасаввур деб қараганлар. Инглиз шоири Ж.Макферсон эса, немис адаби ва файласуфи Г.Гердер уни халқ донишмандлиги деб билишган.

Қадим-қадимдан одамнинг олам ва ундағи мавжудотлар ҳақдаги, табиат ҳақидаги тасаввурлари диний қарашлар билан қоришиб кетган. "Мифологик дунёкараш афсонавий кучларни эътироф этиш билан боғлік бўлса, диний дунёкараш илохий курдатларга эътиқод кўйиш билан боғлік. Шунинг учун ҳам бу дунёкараш шаклини инсон қалбидаги кўйидаги ҳолатлар белгилайди: – эмоционал-рухий одатлар; иймон-эътиқод; – иймон-эътиқоднинг хатти-харакатларда ифода этилиши. Булар айни пайтда диний дунёкарашнинг асосий тамойилларини ҳам ташкил киласди"[8].

Адабиётшунос Н.Оғоқнинг кузатишларига кўра, ҳар қандай қадимий миф илохий муқаддас китоблардан бошланғич олган. Факат асрдан-асрга, оғиздан-оғизга ўтиш жараённанда ўзгариб кетган ва илохий китоблар билан боғлік ҳалқа узилган. У

ёзади: “Дарвоке, Сизиф афсонасидаги бу дунё ҳаётининг ўткинчилиги, ўлимнинг мукаррарлиги, гунох учун жазоланиш ва жазонинг абадийлиги... каби мотивларнинг бари илохий китобларда битиб кўйилмаганми? Танталнинг маъбудларни зиёфат қилмоқ учун ўз ўғлини сўйиши таниш киссани эслатмаяптими? Дунё тўфони ҳақидаги юон афсонаси-чи?

Тадқиқот методологияси. Миф, мифология ва мифологик қарашлар, образларга турли даврларда турлича қарашлар мавжуд бўлган, илмий ёндашув асосан Уйғониш даврида шаклланган. Киёсий таҳлил, дискурс таҳлил ишнинг асосий тадқиқ методларидан хисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Майли, қадим илохий китоблар аслиятини тиклаш имконияти энди йўқ. Лекин аниқ исботлаш мумкин бўлган мисоллар борку. Нима сабаб бўлганини билмадик, лекин одам боласи ўз хаёлида Исо алайҳиссаломни Худонинг ўғлига айлантириб, Айюб алайҳиссаломнинг вужудини жирканч куртларга талатмадими? Ўша қийшиқ кўзгу Юсуф алайҳиссаломни Зулайҳо билан “кўша карит”мадими? Сизиф воқеаси ҳам “тахрирчилар” кўлига тушмаган деб ким айта олади? Википедия энциклопедиясида ёзилишича, даврлар ўтиши билан “Сизиф образи одамларда ҳамдардлик, ачиниш туйгуларини ўғотадиган бўлди.... Унинг гуноҳлари унугилди, юон аристократияси таомилида эса Сизифни ўзининг афсонавий аждодларидан билиш шон-шараф саналадиган бўлиб қолди. Оғир жазо энди гуноҳга яраша ажр эмас, худоларнинг ўч ва қососкорлиги рамзига айланди”. Ким билсин, нафси аммора ҳукмига тобе ўша зодагонлар азим гуноҳларини эл кўзида оқлаш учун шаккок Сизифдан қаҳрамон ясад олишгандир?”[7]. Бу, албатта, фараз. Муаллифнинг ўзи айтганидек, Куръони каримдан бошқа илохий китоблар аслиятини тиклашнинг энди иложи йўқ. Аммо илму фанда “диний” ва “мифологик” сифатларининг кўшалок тарзда “диний-мифологик” деб қўлланиши сабаби ҳам, эҳтимол, шудир. Киска айтганда, диний-мифологик образ деганда одамзоднинг олам ҳақидаги мифларда муҳрланган ибтидоий тасавурлари ҳамда диний-эҳтиқодий қарашларнинг коришик ҳолда келиши тушунилади.

“Инсоният тафаккурининг ilk меваси бўлган мифлар ва улар мажмуаси мифологиянинг аҳамияти асрлар давомида жуда бекиёс бўлиб келди, - деб ёзади фольклоршунос олим А.Мусакулов. – Қизиги шундаки, фан ва техника бекиёс ривожланган, ривожланаётган XX-XXI асрларда ибтидоий одамнинг хиссиётлари, содда тасавурлари меваси бўлган мифларга кизиқиши сўниш ўрнига, аксинча, жуда кучайди”[6]. Данте Алигъерининг XIII аср Италиясида яратилган “Илохий комедия” ҳамда Абдулла Ориповнинг XX аср Ўзбекистонида яратилган “Жаннатга йўл” асарлари шундай қизиқишининг ёрқин намунасиdir.

“Илохий комедия”даги диний-мифологик образлар ҳам, асосан, қадимий юон мифлари ва христиан дини билан боғлиқ.

“Илохий комедия”да китобхон дуч келадиган биринчи диний-мифологик образ Миносдири. Дўзах иккичи доирасининг эшигига Вергилий ва Данте Минсога дуч келадилар:

Минос кутар эди бизни беомон
Айни оostonада сўрокка тутиб,
Дум силтаб дўзахга иткитар ёмон.
(“Дўзах”, V, 4-13)

Асарга кўра, Минос – дўзах ҳакамидир. У жаҳаннамга ҳукм килингандарни думига ўраб отиб юборади, махкум дўзахнинг керакли жойига бориб тушади. Оломон уни титраб-қақшаб кутиб туради. Юон мифологиясига кўра Минос Зевснинг Европадан кўрган ўғли бўлиб, Крит подшоси Астерий уни фарзанд килиб олган. Астерийнинг вафотидан кейин Минос Крит таҳтига ўтирган. Унинг хотини Пасифийдан ярми одам, ярми хўқиз бўлган Минтавр дунёга келган. Минотавр ҳакида “Дўзах”нинг 12-кўшиғида сўз боради (13-25).

Дўзахда икки шоир яна бир мифологик қаҳрамон – Церберга дуч келадилар:

Уч ҳалқум чўнг Цербер – кўзи қонталаш,
Халойишка қараб итдай ҳуаради,
Оломон балчиқда бижсирди яккаш.
Дўзах, 6-кўшиқ, 13-терцина.

Дўзахнинг бу коровули жуда кўркинчли: уч бошли, илонбош ва илондумли махлук. Данте ва Вергилий шундан сўнг Плутос (Деметра ва Иасионнинг ўғли – бойлик маъбуни, Герион (учбош махлук), Эрихто (мархумларни еости салтанатидан чакириб оладиган фесаллик сехргар аёл), қасос маъбуналари – Тисифон, Мегера, Алектоларга ҳам дуч келишади. Шунингдек, кўркинчли Медузагоргон образи ҳам бор. У бир қарashi билан жонли махлукотларни тошга айлантириб кўяди. Уни кўрганда Вергилий Дантенинг кўзларини кўллари билан ёпидики, Вергилий ақл-идрок тимсоли эканидан келиб чиксак бу ҳаракат рамзий маънода инсоннинг ақл-идрок билан балолардан халос бўлиши мумкинлигига ишора киласди.

Асарда шунингдек, яна қўйидаги диний-мифологик образлар учрайди:

Эфиальт ва От – чексиз қудрат сохиби бўлган титанлар, Гера ва Артемидани севиб қолгани учун маъбуллар томонидан еости салтанатида колоннага илон билан боғлаб кўйиш билан жазоланган;

Бриарей – 50 бошли ва 50 қўлли махлук;

Антей – Посейдон ва ер маъбудаси Геянинг ўғли, она-Ердан куч олиб турган ва Геракл томонидан ердан узиб олиб бўғиб ўлдирган қаҳрамон;

Титий – Зевснинг севгилиси Летога сўйкалгани учун Аид – ерсоти салтанатига ташланган.

Асарда Геракл, Геркулеснинг номлари ҳам бир неча марта тилга олинади. “Илохий комедия”да бундан ташқари яrimодам-яrimот махлуклар бўлмиш кентаврлар: абадий ҳаётини Прометейни озод килишга алмаштирган Хирон, Гераклининг

хотинига тухмат килган Несса ва Фол кабилар ҳам берилган. “Дўзах” ва “Аъроф”да шоирлар яна Юпитернинг завжаси, римликларнинг никоҳ, оналик, аёл ва яратувчилик маъбути Юнонага, Зевс ва Мнемосинанинг кизларибўлмиш назм, илму фан ва санъат маъбудалари бўлмиш Музалар: Каллиопа, Клио, Мельпомена, Эвтерпа, Терпсихора, талия, Эрато, Полигимния, Уранияга; Юпитер ва Цереранинг кизи – еrostи салтанати маъбути Плутон томонидан ўғирлаб кетилган Прозерпина гуч келишади.

Данте Юнонистон ва Римнинг кадимги маъбудларига симпатия билан караган. Данешунослар буни Дантенинг антик адабиётга ошуфталиги билан изохладилар. Шунга кўра, у ўша маъбудларнинг бир канчасини Жаннатга жойлаштиради. Асарнинг “Жаннат” қисми Апполонга муножот билан бошланади. Апполоннинг синглиси Диана, Уран ва Геянинг ўғли – куёш маъбути Гелиоснинг отаси Гиперион, Меркурийнинг онаси Майя, Венеранинг онаси Диона ҳам бир неча марта тилга олинади.

Саккизинчи ғорда айёр маслаҳатчилар оловга чулғанганча дайдиб юришади. Айнан шу ерда биз аввалроқ тилга олганимиз Одиссей билан сухбат бўлиб ўтади. Навбатдаги ўрада эса адовар түғдирганлар банди. Шайтонлар уларнинг узлуксиз равища қайта тикланувчи танасини узлуксиз тарзда чопаверади.

Коцит кўли бориб туташадиган кудуқда Данtedan икки ярим минг йилча муқаддам осмон учун олиб борилган Флегрей жангига катнашганлар кўним топган. Бу пахлавонлар Зевс бошчилигидаги маъбудлар томонидан ағдарилган ва хозиргача Тартар (кудукнинг эски номи)да азоб чекади. Геракл томонидан мағлуб этилган Антей ҳам, Бобилдаги тўс-тўполоннинг машъум айбори Немврод (Намруд) ҳам шу жойга тушиб қолган.

Кўлнинг тўртинчи марказий доирасида валинеъматларига, шунингдек, Илохиёт ва инсониятнинг улкан намояндларига хоинлик килган соткинлар банди этилган. Шу ерда кўксигача музқотган шайтони – Лицеферни кўриш мумкин. Данте тасвирлаган Люцифер Дўзах хукмдори ва шоҳига умуман ўхшамайди. Унинг ўзи хибсада ётиби. Бу ерда грек-рим замонларидан бери яшаб келаётган турли-туман гуманоид ва ярим гуманоид мавжудотлардан, илгари фаришта бўлган ҳамда

эҳтимолки, ўз мажбуриятини бажаролмаган шайтонлар ҳам бор.

Жаҳаннамдан фарқли равища Аросатда маҳаллий аҳоли деярли йўқ. Данте ўша худудда ялтирок қанотли айrim фаришталарнингин қайд этади. Улар кўпинча бир доирадан иккинчисига ўтиладиган жойларда учрайди. Баъзида бу ёкка Самовий жаннатдан ҳам шундай мавжудотлар учеб келишади. Данте Заминий ҳукмдорлар водийисида яшил қанотли, ям-яшил либосларга бурканган айни ўша фаришталардан икки нафарини кўради. Аърофнинг ўсимлик дунёси у қадар бой эмас. Эҳтимолки, бунинг боиси Аросат асосан қоялар бағрида жойлашганлигидандир. Ўсимликлар Аъроф остонасида кўпроқ тарқалган.

Данте ҳайвонот дунёсига мансуб жонзотлардан шу ерда, Аъроф остонасида яшовчи илонни, Момо Ҳавони йўлдан юрган Жаннат илонига ўхшаш айни ўша маҳлукни тилга олади. Аммо афтидан, у бу ерда камдан-кам ҳоллардагина учрайди: ҳали илон пайдо бўлмасиданоқ шу фаришта учун атай йўлланган икки соқчи уни кўриклишга шай туришади.

Данте дўзахининг энг даҳшатли қисмида мудҳиш хиёнаткорлар ётади. Бу хиёнаткорларнинг энг машъуми, шубҳасиз, Исо(с.а.в)ни ўттиз тангага сотган Иудадир. Иуда Искариот – Инжил ривоятларига кўра, Иисус Масихнинг ўн икки ҳаворийисидан бири. Ўттиз кумуш танга учун устозини сотиб, Иерусалим ҳокими кўлига топширган[5].

Хулоса ва таклифлар. “Илохий комедия”да тасвирланган нореал дунё бўйлаб “саёхатимиз” шуни кўрсатадики, Данtedagi диний-мифологик образлар асосан юонон-рим мифологиясидаги қаҳрамонлардан ташкил топган. Шоир диний мансубиятига кўра христиан ва христианликкача бўлган кўпгина қаҳрамонларни дўзахга хукм килган бўлса-да, у бу хил хукмларида изчил эмас. Чунки юқорида Дантега кўра, христианликкача бўлган диний-мифологик қаҳрамонларнинг айримларини жаннатга мансублигини ҳам кўриб ўтдик. Бу кузатувлар шуни тасдиклайдики, Дантенинг “хукм”лари диний мансубият доирасидан чиқиб, бошка чегаралар қадар кенгаяди. Бунда баъзан ўзининг маънавий-ахлоқий, баъзан ижтимоий-сиёсий, фирқавий нуқтаи назарига таянади.

АДАБИЁТЛАР

- Грейвс Р. Мифы древней Греции. – М., Наука, 1992. – 624 с.
- Данте и всемирная литература. – М., 1967. – 259 б
- Дантовские чтения. “Данте – путешественник по загробью” – М., Наука, 1971.
- Евсюков В. В. Мифы о Вселенной. – Новосибирск, 1988.
- Инжил. Ўзбекча таржима. Библияни таржима килиш институти. – Стокгольм, 1992.
- Мусакулов А. Адабиёт – эзгулик тантанасига ишонч // Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. 3-б.
- Офок Н. Мен Сизиф тошига эгаман бошим... // Тафаккур, 2019 йил, 3-сон..

8. Юсубов Д., Сайтходжаев Х., Мавлянов А. Фалсафа. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 27-б. (292 б.)
9. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Божественная комедия](https://ru.wikipedia.org/wiki/Божественная_комедия) i/ Чистилище
10. <https://www.wikireading.ru/> Ивик Олег. История и география загробного мира. Путешествие Данте Алигьери